

37.013
17-18.

М.М. Наринцева

БҮҖЛАЖАК ҰҚИТУВЧИЛАРДА АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТТІКНИ ШАҚІЛАНТИРЫШ МЕТОДИКАСИ

(Методология)



34. 013
7-18

М.М. Парпиева

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА
АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(5112100 - “Технологик таълим” таълим
йўнашши мисолида)**

(Монография)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'LY TALIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

“КАМОЛЮТ” нашриёти
Чирчиқ – 2023

УЎҚ: 37.013
КБК: 74.03(2)
П 18

Парпиева Малика Моминовна, Бўлажак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентлиқни шакллантириш методикаси (5112100 - "Технологик таълим" таълим йўналиши мисолида). // [Матн]: монография / М.М.Парпиева - Бухоро: "БУХОРО ДЕТЕРМИНАНТИ" МЧЖнинг Камолот нашриёти, 2023. - 160 б.

Маъмур монографияда муаллифнинг бўлажак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентлиқни шакллантириш мўлқимосининг илмий-методик асосларини яратиш, замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнига акмеологияларни жорий қилиш методикасини тақомиллаштириш, инновацион таълим муҳити шароитида талабаларда касбий кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқариш зарурати ҳақидаги қарашлар келтирилган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентлиқни шакллантириш методикаси (5112100 - "Технологик таълим" таълим йўналиши мисолида)га доир тақлиф ва таълиқлар ишлаб чиқилган.

Монография олий таълим муассасаларида фаоллиги оғиб бораётган профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Г.О.Эрназарова – Чирчиқ давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори (DSc);

М.Ф.Ҳакимова – Тошкент давлат иқтисодий университети профессори, педагогика фанлари доктори.

ISBN: 978-9910-9683-9-6

Ушбу монография Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2023 йил 15-май 8-сонли йиғилишида наизга таъсис этилган.



© "КАМОЛОТ" нашриёти
© М.М. Парпиева

КИРИШ

Жахон таълим тизими таракқиётда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларда креатив, ностандарт, мустикал ва фаол ижодий фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш ва индивидуал касбий шакллантириш даражасини оширишга эътибор кўчаймоқда. Иқтисодий қамқорлик ва ривожланиш таъкилотининг PIRLS халқаро таъкилотларида "Бозор иқтисодиётга даъқатли, мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқийдиган ўқувчиларни тарбиялаш" таълим мазмунига кўйилаётган замонавий талабалар сифатида қараймоқда. Бўлажак мутахассисларни касбий ва шахсий компетентлигини қарор топтириш, уларни касбий фаоллиятта тийёрлаш технологияларини ривожлантириш, касбий етуқликка эришиш жараёнини тақомиллаштиришнинг амалий механизминини тақомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда инновацион таълим муҳити шароитида бўлажак мутахассисларда касбий компетентлиқни шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлиқни қарор топтириш механизмларини яратиш, уларни аўтопедагогик компетентлик асосида касбий ривожлантириш, таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш, педагогик технологияларни таълим жараёнида муваффақиятли қўллаш, замонавий педагогик ёндашувларни амалиётга таъбиқ этиш борисидати фундаментад таъкилотлар ва амалий лойиҳаларга бўлган зарурат ортмоқда.

Республикаимиз педагогик ОТМда таълим жараёнини компетентлиаий ёндашув асосида таъкил қилиш ва "2030 йилга келиб PISA халқаро микёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингни бўйича жахоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатни қаторига қиришга эришиш"¹ халқ таълими тизимини стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу эса бўлажак ўқитувчиларни касбий фаоллиятга таъёрлаш жараёнининг мазмунини илмий-амалий ва

¹ Ўзбекистон Республикасини Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини таъкиллаш тўғрисида"ги 5712-сон фармони // Қонун ҳужжатлари йиғинида таъкил қилинган, 29.04.2019 й.

методик жиҳатдан тақомиллаштириш, хусусан, талабаларда аутопедагогик компетенцияни шакллантириш, уларнинг илмий-касбӣй дунёқарашини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо қилади. Олий педагогик таълим олдидати мазкур тизимли муаммолар бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетенцияни шакллантириш орқали касбӣй лойиҳалаштириш фаолиятига тайёрлаш, ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш, дидактик таъомиллар методикасини тақомиллаштириш ҳамда илмий хорижий тажрибаларни олий таълим тизимига татбиқ этиш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларнинг долзарб аҳамиятини белгилайди.

Монография Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги, ПК-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПК-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПК-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монография муайян даражада хизмат қилади.

Республикада ўқитувчиларнинг касбӣй компетенцияларини ривожлантириш, педагогик таълимга компетенциявий ёндашуви таъбиқ қилиш, замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнларини таъбиқ қилиш масалалари маҳаллий олимлар: С.С. Бабаджанов, О.Ғ. Давлатов, Я.У. Исмаилов, Ш.Н. Муслимов, А.Х. Махмудов, Ф.Т. Раббимова, Ю.Э. Раҳимова, К.Д. Рискулова, Х.Ш. Қадиров, О.А. Қўйсенов, А.Ғ. Эминов каби олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ этилган.

Муштакил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида компетенциянинг илмий-назарий асослари М.В. Болина, Д.В. Голубин, Г.А. Демакова, Е.Ю. Зиминова, Е.П. Кузнецова, С.В. Курашева, А.А. Базинова, аутопедагогик компетенциянинг ўрнига хос хусусиятлари ва уни тақомиллаштириш муаммолари Н.Ю. Масов, О.М. Шиян, Р.М. Юсупова, А.И. Ахлукова, Ю.В. Варданян, Г.С. Валикова, Р.Х. Гильмеева, О.А. Козырева, Г.А. Крюкова, Н.Д. Москвитина, А.В. Райков, Е.А. Садовская, Н.М. Слаутина, П.П. Тереховларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Хорижий олимлардан К.О. Вауер, В.Д. Вастан, W. Helsper, G. Durr, S. Blom, M. Rogalla, D.S. Rycken, L. H. Salganik, S. Reif, L. Riquau, M. Wagner, V. Koster, J.J. Dengertik каби олимларнинг ишларида бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёрлиги мезоаспи, M. Schatz, I. Schittleser, P. Forthuber, G. Rahr, A. Pascha, A. Seel, S. Gifford, D. Hutchinson, L. A. Sundberg ва бошқаларнинг илмий изланишларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбӣй ва аутопедагогик компетенциясини тақомиллаштириш муаммоси замонавий педагогик ёндашувлар, хусусан, компетенциявий ёндашув асосида тадқиқ қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг аутопедагогик компетенциясини шакллантириш муаммосининг илмий-методик асосларини яратиш, замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнига педагогик таълим жараёнига жорий қилиш методикасини тақомиллаштириш, инновацион таълим муҳити шароитида талабаларда касбӣй кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик таъминотини шакллантириш зарурати мазкур монография мавзусининг долзарб аҳамиятини белгилаб берилади.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетенцияни шакллантиришнинг касбӣй фаолиятга тайёрларлик тузилмаси мотивацион, коммуникатив, ижодий ва гностик компонентлари асосида педагогик жараёнинг узвийлик, кўргазмалilik каби дидактик ва ўзаро ёрдам каби социологик муҳитида қайта алоқали муносабатда қўллаш асосида тақомиллаштирилган;

- аутопедагогик компетенциянинг жараёни, муаммолар, таъбиқий-технологик, натижавий-мезонли кўрсаткичлари, ўқув жараёни моделилаштиришнинг операцион-технологик, когнитив-дидактик, рефлексив-баҳолаш босқичлари-

да социологик ва кибернетик ўқув топириқлари ўйунлигини квалитетрик нисбатда таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

таъбабаларни касббй фаолиятта тайёрлашнинг илмий-методик ва дидактик таъминоти акметехнологиялар ва электрон ўқув контентнинг графикал моделиларини мустақил қайта ишлаш мунсабатида қўллаш асосида тақомиллаштирилган;

технологик таълим йўналишида таъбабаларни касббй фаолиятта тайёрлаш методикаси бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган акмеологик модели спиралли ўқитиш жараёнида шахснинг психологиологик захираларидан фойдаланишга устуворлик берилган мухитда қўллаш асосида тақомиллаштирилган.

Монографиянинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: бўлажак ўқитувчиларда замонавий педагогик ёндашулар асосида аутопедагогик компетентлиқни шакллантириш самардорлигини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган; бўлажак ўқитувчиларини инновацион касббй фаолиятта тайёрлашнинг методик таъминоти сифатида “Халқ хунарамдчилиги” фанидан ўқув дарслиги ва фаннинг электрон таълим ресурси яратилган;

бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентлиқни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларини касббй фаолиятта тайёрлашда аутопедагогик компетентлиқни шакллантириш бўйича дастурий таъминот ва методик тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Монография натижаларининг илмий аҳамияти инновацион фаолиятнинг назарий, амалий, методик, дидактик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари ўрганилгани билан изоҳланади.

Монография натижаларининг амалий аҳамияти “Халқ хунарамдчилиги” фанидан дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчиларни касббй фаолиятта тайёрлашда аутопедагогик компетентлиқни шакллантиришнинг методик таъминоти, электрон таълим ресурсидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Монографиянинг назарий ва амалий натижаларининг ишробилиси 7 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Монография бўйича жами 19 та илмий иш, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий ишларда 8 та илмий мақола, шундан 5 таси республика ва 3 таси қоржикий журналларда нашр этилган.

Монография кириш, уч бооб, ҳулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1 БОЕ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМий-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда аутопедагогик компетентликни шакллантиришнинг жорий

ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да таълим тизими олдида “Юсак билimli ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар захирасини яратиш” [4] вазифаси қўйилган бўлиб, ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида соҳада тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Тез суръатларда ўзгараётган жамият талаблари замонавий мутахассислардан юқори касбий компетентликини, қўлланмаган ҳаётий вазиятларга касбий жиҳатдан тез ва осон мослашишни, соҳада юз бераётган ўзгаришлар ва тез янгиланаётган талабларни зудлик билан тушуниш ва англашни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан, тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда “компетентия”, “компетентлик” ва “аутопедагогик компетентлик” тушунарларининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш тадқиқотнинг вазифаларидан бири сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

“Компетентлик” мутахассиснинг маълумоти, қўникмаси, қўйилишти ва тажрибасини ўз ичига олувчи кенг қамровли тушунчадир. Бошқача айтганда, мутахассиснинг маълум бир иш турини бажариш қўйилишти компетентия тушунчаси билан ифодаланadi. Аслида, “компетентия” ва “компетентлик” тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, муайян фарқли жиҳатларга ҳам эга. **Компетентия** билимларнинг умумийлиги ва уларнинг одамларда мавжудлигини аниқлаш, **компетентлик** билимларни иш жараёнида қўллай олиш даражасига нисбатан ишлатилади. Компетентия даражаси мутахассисдан билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни

тимоий этиди. Инглизча “competence” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қўйилиш” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эти олиш” [145]ни ёритишга хизмат қилади.

С.И.Ожегов ва И.Ю.Шведовларнинг луғатларига қўра “competencia” лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги луғавий маъноси “инсон яхши биладиган”, “тажрибага эга бўлган” каби маъноларни англатади [145]. Демак, бирор бир соҳада “компетентли” дея эътироф этилган инсон шу соҳа ҳақида асосли фикр юритиш ва унда самарали фаолият олиб бориш учун мос билим ва қўйилишга эга бўлмоғи лозим.

М.Х.Усмонов [48,146], Н.А.Муслимов [48,143,146,155], Н.А.Сластенин [22,93,107], Л.С.Подымова [107], Н.М.Слаутина [108], Е.Д.Тенютина [110], П.П.Терехов[111]ларнинг тадқиқотларида “компетентия”, “компетентлик”, “қасбий компетентлик” каби тушунарлар педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан қасбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, қўникма ва қўниклар (кейинги ўринларда БҚМ тарзида қўлланилади)нинг қўйилишни ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши бўлиб, унинг мазмунни қўйидаги шакллар билан тўлдирилади:

1. **Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик

қўйилиш қўникма ва малакасида этилик, қасбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга қирпиша олиш.

2. **Махсус компетентлик** – қасбий-педагогик фаолиятни таъмин этишга тайёрланиш, қасбий-педагогик вазифаларни амалда хал қилиш, фаолият натижаларини реал баҳолаш, БҚМни янги ривожлантириб бориш бўлиб, унинг негизда психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик шакллари назарда тутилади. Тадқиқот доирасида кўпқатр компетентлик шакллариининг мазмунни аниқлаштирилди. Улар қўйидагилар:

– **психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёниининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни

ташқил этиш, турли салбий психологик эйдидиларни ўз вақтида аниқлай ва бартараф эта олиш;

- **методик компетентлик** – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташқил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўлай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

- **информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

- **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятта нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намойиш эта олиш;

- **инновацион компетентлик** – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;


- **коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг бarchа иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай бўлиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намойн қилиш.

4. Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илгор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.


5. Экстремал компетентлик – фавқулодда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзата келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгаллик.

А.К.Маркова ўз тадқиқотларида педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлиги кўрсатилган (1.1-расм):



1.1-расм. Педагогик компетентлиқнинг муҳим таркибий асослари (А.К.Маркова)

Б.Назарованинг фикрига кўра педагог учун хос касбий компетентлик негизини қуйидаги таркибий асослар ташқил этади (1.2-расм):



1.2-расм. Педагогик компетентлиқнинг муҳим таркибий асослари (Б.Назарова)

В.А.Адольт [11], Г.Н.Богомолова [18], О.А.Була-
венко [21]ларнинг фикрича, касбий компетентликка мутахас-
сислик компетентлиги (касбий амаллар ва келажакда касбий
ривожланишни мустақил бажаришни таъминловчи билим,
қўникма ва малакалар), коммуникатив компетентлик, аутокомпе-
тентлик (ўз-ўзини бошқариш, ёзма ва оғзаки нутқ қўникмалари,
ташқилог'чилик ва изланувчанлик-тадқиқотчилик компетентлик-
лари ҳам киритилиши керак. Жамиятдаги ўзгаришлар, замонавий
таълим тизимининг юқори даражада янгилалиши бўлажак
ўқитувчиларни касбий фаолитга тайёрлаш жараёнига ўзига хос
 талаблар қўймоқда. Жумладан, касбий компетентликнинг асосий
 таркибий асосларидан бири бўлган аутопедагогик компетент-
 ликни шакллантириш муҳим.

Замонавий таълимни ислох қилиш шароитида ўқитувчи
 шахси таълим жараёнини ташкил этишда катта рол ўйнайди,
 шунинг учун кўпроқ тадқиқотчилар ўқитувчининг ижодий
 индидуаллиги, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини
 ривожлантириш қобилиятига эга бўлиш муаммосига мурожаат
 қиладилар. Бўлажак ўқитувчиларда бундай қобилиятларнинг
 ривожланиши уларнинг ўқитувчи шахсининг субъективлиги, олий
 ўқув юртининг инновацион муҳитида касбий ривожланишга
 тайёрлиги учун масбул бўлган аутопедагогик компетентликка эга
 эканлигини кўрсатади [44, 49]. Бугунги кунда таълимдаги
 инновацион жараён таълим амалиётини такомиллаштириш,
 янгиликларга асосланган таълим тизимларини ривожлантириш,
 фойани маҳсулот, технология, хизматга айлантириш жараёнидир.
 Буларнинг барчаси инноватор ўқитувчидан инновацион таълим
 муҳитини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва
 диверсификация қилишни талаб қилади.

Инновацион таълим муҳити бу таълим жараёнининг моддий
 омиллари ва уларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида таълим
 субъектлари томонидан ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар
 мажмуидир. Бундай муҳит ҳар бир таълим даражасидаги ҳар бир
 талабга ўзининг асл ижодий салоҳиятини ривожлантириш
 имконини бериётганига қолмай, янада ўз-ўзини билишга, ижодий ўз-
 ўзини ривожлантиришга эҳтиёж туғдиради, инсонда ҳолисона
 ўзликни шакллантиради [144].

Таълим муассасасида инновацион таълим муҳитини
 ривожлантириш маъжуд педагогик тизимда сезиларли
 ўзгаришларни, ҳар бир интизом учун ўзига хос таълим
 технологияларини ишлаб чиқиш, ўқув мажмуаларининг тўбдан
 янги усулбўй базасини яратиш, таълимнинг янги усуллари ва
 шаклларини шакллани жорий этиш бўйича қатор ишларни
 бажаришни талаб қилади. Шундай қилиб, ўқитувчининг
 аутопедагогик компетентлигини шакллантириш инновацион
 таълим муҳитни ривожлантириш билан ҳамбараҳас боғлиқ бўлиб,
 унинг асосий интегратив мезони сифатида таълим жараёнининг
 барча субъектларини самарали шахсий ва касбий ривожланиш
 муаммоларини тизимли билан таъминлаш қобилиятини ажратиб
 кўрсатиш мумкин. Бу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатдан
 етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг
 асосий қисmini белгиллаб беради.

Бўлажак педагогларни тайёрлашнинг янги талаблари: касбий
 фаолитга тайёрлашга шароит яратиш, тез ўзгаравчан меҳнат
 қилишни ва доимий равишда узлуқсиз янгиланадиган билимлар
 қурулиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навобатида ўқитувчидан
 касбий ўзини ижтимоий касбий ривожлантиришни талаб этади.
 Ушбу талаб эса, аутопедагогик компетентлик орқали бажарилиши
 мумкин [19].

Ўқитувчининг аутопедагогик компетентлиги унинг ажратмас
 касбий ва шахсий харақтеристикаси бўлиб, ижодий салоҳиятни
 ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш билан унумли
 шуғулланишга тайёрлиги ва қобилиятини белгиллайди. Шунинг
 учун бўлажак ўқитувчи шахсининг касбий шаклланишида унинг
 ўз-ўзини ривожлантириш фойсини амалга ошириш натижасида
 ўқитувчининг аутопедагогик компетенциялар тизимини маълум
 даражада ривожланишига эришиш мумкин [66]. Шу сабабли
 бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолитга тайёрлашда касбий
 компетентликни шакллантириш ҳолати танлаб олинган тажриба-
 лонинг объектларида турли педагогик тадқиқот методлари орқали
 ўрганилиши ва натижалар аниқланди. Натижаларга кўра, педагог
 кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида магистратура-
 лонинг педагогика ва психология йўналишида педагогик
 компетентлик фани ўқитилди, бакалавриятда эса ушбу фан
 ўрганилмайди, педагогик маҳорат фани ўқитилди, лекин унинг

мавзулари таркибида компетентлик тушуначлари киритилмаган, талабалардан олинган сўровномаларда бу тушунча бўйича жавоблар паст кўрсаткични кўрсатди [Илова-1]. Бу эса бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентликни шакллантириш даражаси ҳам худди шундай екингликтан далолат беради.

Илмий таҳлиллар аутопедагогик компетентлик касбий фаолиятга умумпедагогик тайёрларлик жараёнида шакллантирилиши лозимлигини кўрсатади. О.А. Абдуллинанинг фикрича, талабаларнинг умумпедагогик тайёрларлигига назарий ва амалий таълим яхлитлиги ҳамда тизимлигини, ўзаро алоқасини таъминлаш асосида эришилиши, тайёрларликнинг мотивацион-кадриятли ва мазмунли-жараёنли томонларнинг бирлиги сифатида қаралиши, воситалар тизимидан фойдаланилиши, аниқ педагогик шaroитлар эътиборга оlinиши, бўлажак ўқитувчиларнинг умумпедагогик тайёрларлиги принциплари бирлиги ва функцияларининг ўзаро алоқдорлиги амалга оширилиши сифатида татбиқ этилган [9].

Катор тадқиқотчилар А.А. Базикова [17], О.М. Шиян [13, 14], Р.М. Юсупова [19, 120] ва бошқалар ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ўқитувчининг "аутопсихологик компетентлиги" ёки "аутокомпетентлик" каби тушуначалар билан ҳам атайдилар. Н.В. Кузминанинг фикрича, аутопсихологик компетентлик касбий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини ривожлантириш тушуначаси билан боғлиқ [61]. Бу атамалар ўқитувчининг етарли касбий билимларга эга эканлиги, ўз касбий хусусиятлари ҳақиқати ҳолатлар ва касбий ҳамда шахсий деярликларни бартараф этиш технологияларини билишини англатади.

Таълим тизими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш методикаси ва технологиясида юз бераётган жиддий ўзгариш ва янгиланишлар, педагогик янгилликлар, ўқитувчи фаолиятининг инновацион йўналганлиги, таълим сўёсатининг янгиланиши кабилар бўлажак ўқитувчининг ушбу янгиланишларга касбий тайёр бўлиши, шу жумладан, аутопедагогик компетентликка эга бўлишини такозо этади.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш жараёндарини қучайтириш, ўқув фанларининг ҳажми, таркибининг узлуксиз ўзгариши, ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларни доимий излашни талаб этувчи янги ўқув фанларини

келтириш каби вазиятларда таълим муҳитида педагогик билимларнинг роли ва мавқеи ортади ва педагоглар касбий инновациялар фaолиятлари. Шунингдек, ўқитувчиларнинг педагогик янгилликларни ўзлаштириш ва қўллашнинг ўзига хос мусоабатларининг ўзгариши ва ўқув-тарбия жараёни мазмунини янги тартибга солиш шарoитларида ўқитувчи нафакат янги деярликлар, дарсликларни, балки педагогик фаолиятнинг янги деярликдан ҳам фойдаланиш зарур.

Таълим муассасаларининг педагогик жамoалари, методик жамoаларининг раҳбарлари фаолиятида ўқитувчилар томонидан келтирилётган педагогик инновацияларни таҳлил қилиш ва қўллаш, уларни муваффақиятли ишлаб чиқиш ва қўллаш учун шарoитларни яратиш, умумтаълим мактабларининг бозор мусоабатларида ўтишлари, уларнинг рақобатбардошлиги касбий вазиятни яратадиган янги турдаги, жумладан, нодавлат таълим муассасаларини яратиш муҳим йўналишга айланимoқда [17].

Юқорида таҳлил этилган инновацион ўзгаришларга касбий инновациядан тайёрларликни таъминлаш учун бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентлик шакллантирилиши зарур.

Мазмунки, инновацион фаолиятни амалга ошириш бошқичида рефлексия икки жараён билан бирга кечади:

1) ўқитувчи худди баҳорат бошқичига тақоран қайтади ва у ерда концепциянинг алоҳида ташкил этувчиларини кузатади;

2) иккинчи жараён ўз фаолиятига рефлексия билан, яъни инновация амалга ошириш жараёни билан боғлиқ: ўқитувчи инновациялари ва ташки шарoитлар боғлиқлигининг таҳлили содир бўлади, инновациялар, малакалар, педагогик амаллар, мазмун таълим этилади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти унинг хатти-ҳаракатлари ва мусоабатини белгилайди. Инновацион ҳулки асосида педагогик инновация шарoитларида амалга ошириладиган мукамаллик идеали ва қиймати ётади. Бундай ҳулки мулоқотда, ўқитишда, ўз-ўзини белгиллашда, рефлексив жараёнлар кечилиши ва бошқаларда инновация бўлиши мумкин.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиши эса, ўзини ташки мусоабатлари ёки обрў-эътибор қозонишда инновация интилишга бўлиш мусоабатлари, касбий мусоабатлар ва ўз-ўзини амалга ошириш

мотивлари таъсирида юзата келали [132]. Ўқитувчи фаолиятида санаб ўтилган мотивлардан бирининг яққол ўстунлигида изчиллик куйидаги тарзда қарор топади:

1. Инновацияларни жорий этишнинг мўайян элементлари учун моддий мукофотлаш билан боғлиқ ташки раёбатлар. Бундай раёбатларга юқориок даражадаги, хусусан, “Йил ўқитувчиси” танловидаги иштироки учун мукофотлаш ва раёбатлантиришлар, меҳнатнинг қоникарли шароитлари ва иш тартиби, талаблар ва назоратни қамайтиришни қиритиш мўмкин. Мазкур ҳолатда ўқитувчининг иши бевосита қасбий фаолият натижалари билан боғлиқ. Мақсадга турли воситалар ёрдамида эришишда ўқитувчининг ташки мотивация билан ишлашининг ўзига хос хусусияти у расмий нўқтаи назардан зарур ва етарли иш ҳажмини бажаради. У ўз меҳнатининг ташки кўрсаткичларига йўналтирилган. Малака оширишга деярли интилмайдди, мактаб ишидан ажралган ҳолда ўқийшдан истисно ҳолда, моддий раёбатлантириш соҳасидаги йўқотишларсиз ва иш шароитларидаги сезиларли ўзгаришларсиз юз беради ва ишни ўзгартариш осон қабул қилинади.

2. Ўқитувчининг ўз-ўзини таъкидлаш мотивлари (атрофдагиларнинг ташки ижобий баҳолашлари орқали ўз-ўзини таъкидлаш). Бу ҳолатда ўқитувчи инновацияларни ўзини меҳнатига ижтимоий муносабат учун киритиш билан шугулланиши Мазкур мотивни обрў мотиви деб аташ ҳам мумкин.

3. Касбий мотив. Юқорида кўриб чиқилган икки мотив-ларнинг психологик табиати, биринчидан, ноқасбий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ, иккинчидан, ўз-ўзини таъкидлаш мотиви билан боғлиқ мақсад, ўз-ўзига бахони ошириш бўлиб хизмат қилади, бу эса шахс кулай психологик ҳолатининг зарурий шарти ҳисобланади. Касбий мотив кўпроқ умумий кўринишда боғларни ўқитиш ва таъбиялаш истилати сифатида намоён бўлади.

4. Шахсий ўз-ўзини амалга ошириш мотивлари. Қатор тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, инсоннинг “у бўлиши мумкин бўлгандек бўлиш”га интилишидан иборат бўлган ўз-ўзини фаоллаштиришга эҳтиёж потенциал равишда барча инсонларда мавжуд бўлади, ammo барчанинг касбий фаолиятида ҳам ва айниқса, онгли равишда намоён бўлавермайди [106].

5. Креативлик (ўз янги ғояларини яратиш қobiliяти, индивидуалний фикрлаш схемасидан воз кечиb, муаммоларни вазиятларни кечкюр хал этиш ва ш.к.) мотиви. Хорижий педагогик назарияда педагогик ижод креативлик тушунычаси билан алмаштирилади. Кўpinча талкикотчилар креативлик ва инновация тушунычалари аниқланган идрок этиш ва ўзгаришларда эхтиёж аниқланганида инновация очкичлик сифатида тушуниб, уларни бирга ботлайдилар. Ўзгаришнинг педагогик-инновацион фаоллигида креативлик тушунм сифатлардан хисобланади. Миллий психологияда креативлик ижтимоий ахамиятга ижодий фаоллиқни намоён этиш қobiliятига ботлик бўлган ижодкорлик, инсоннинг ижодий инновациялари, инсон индивидуалнинг маълум алоҳида баркарор ахувидаги сифатида каралади [107].

Креативлик ривожланишига индивиднинг шахсий хусусиятлари, унинг хиссий ва мотивацион омилилари катта таъсир кўрсатади. Креатив инсонларни креатив бўлмагандардан фарқланидиган шахсий сифатлар ўз-ўзига ишонил, тажовузорлик, ўз ўлидан мамнулик, иктимой чекловларни ва бегоналар фобияси тан олмаслик хисобланади. Креативликни ўрганиш асосий фанлар тизимида кенг тақдим этилган. Ижодкорлик соҳалари ажратилган, унинг психологик механизмларини фалол ўрганиш ишлари олиб боришмоқда [72].

Индивидуал-ижодий ёндашув инновацион фаоллият моделини таъминловчи методология асосларидан бири ҳисобланади. Мазкур ёндашув В.А.Кан-Калик ишларида назарий асосланган [14]. Унинг моҳияти шундан иборатки, у шахснинг умумий ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш механизминини ишта туширишга имкон бериши ва касбий шаклланиш жараёнида мотивацияни, унинг аниқликдорлигини назарда тутлади. Индивидуал ижодий ёндашувнинг асосий назифаси шахснинг ўз-ўзини амалга ошириш учун шартонлар яратиш, ижодий имкониятлар таъхиси ва қўллашнинг, муаллифлик ваъзйати, педагогик фаоллиятнинг таъминловчи технологиялардан ташкил топади [142].

Юқорида кўриб чиқилган аўтопедагогик компетентликнинг муайянлиги ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, бу ушунга қўнда бўладими? Ўқитувчиларни касбий фазолиятга тайёрлаганда касбий компетентликни шакллантириш ҳолати таърифа-саноов объективастепетини ўрганилди ва тахлил қилинди. Ушунинг натижасига кўра,

педагогнинг касбий маҳорати ва касбий маҳоратини шакллантиришга олимларнинг кизиқиши кенг бўлишга қарамай, бўлажак технологик таълим йўналиши ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини шакллантириш муммоси ҳали етарли даражада ўрганилмай қолмоқда.

Бундан ташқари, “Аутопедагогик компетентлик” тушунчасини белгилаш, унинг мазмунидаги фарқларни ўқитувчининг касбий маҳорати, ижодкорлиги ва ўзи-ўзини англаши бўйича алоҳида концепция мавжуд эмас. Умуман, бутунги кунда бўлажак ўқитувчиларда олий таълимнинг инновацион муҳити шароитида аутопедагогик компетентликни шакллантириш истикболлари илмий жамоатчилик томонидан етарли даражада тадқиқ этилмаган, унинг белги ва хусусиятлари аниқлаштирилмаган бўлиб, бу тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосли эканлигини кўрсатади.

1.2.8. Ўқитувчиларнинг аутопедагогик компетентлиги тузilmаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақомазининг 2017-йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълимнинг Давлат Таълим Стандарти” да компетенция тушунчасига мавжуд билим, кўникма ва малакаларни қундалиқ фаолиятда қўллай олиш қобилияти сифатида таъриф берилади [8]. Шу жиҳатдан педагогик компетентликнинг: а) **махсус ёки касбий** компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада таъкил этиш); б) **ижтимоий** компетентлик (касбий фаолиятни ҳамкорликда таъкил этиш); в) **аутопедагогик** компетентлик (ўзи-ўзини ижтимоий касбий ривожлантира олиш); г) **экстремал** касбий компетентлик (қўтилмаган вазиятларда ишлай олиш) каби таркибий асослари бўлиб, олий таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлаш мазмунининг принципл ўзгариши замонавий таълим парадигмалари ўзгариши билан боғлиқ ҳолда педагогик тайёрларликни таъкил этишга янгича методологик ёндашуларга мувофиқ муайян аутопедагогик компетентликни амалга ошириш талаб этилади.

Аутопедагогик компетентлик касбий компетентлик негизида шаклланади. Ўқитувчилар касбий компетентлиги борасида қўллаб-олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Масалан, Б.Д.Эльков

нинг ривожлантирувчи таълимда компетентлик тушунчаларини қўллайича изоҳлайди: компетенция – нимадандир яхши қарордорлик, маълум бир шахс, муассаса ва таъкилотнинг компетентлари доираси, билимларга асосланган умумий қобилиятлари, тақрибдалари, таълим олиш асосида ўзлаштирилган нақсоний ва қадриятларидир; компетентли шахс – маълум бир инсон билан яхши таниш, шу соҳада яхши билимларга эга, ҳар дом инсонинг таъниб иш қўрайдиган, маълум вақолатларга эга бўлган инсон. Ҳисобланади, компетентлик – олинган қўйилган нафрларни бақаришда индивидуал ва ижтимоий эҳтиёжларга қаровили жавоб бера олиш; компетентли бўлиш – тегишли соҳада нисбатан тақриба ва олинган билимларни маълум нафрларда қўллашга сафарбарлик қўникмасига эга бўлиш-дор) асосий компетентликлар – қундалиқ ва касбий ҳаётида қолмақда қўйиладиган замонавий талабларни урдалашда инсон қўни дарур бўлган асосий шахсий сифтларда намоён бўлади [115].

В.П.Бездухов компетентлик тушунчасини ижтимоий-педагогик контекста очип асосида унга нисбатан кенг қўллади қолгани ифодалаб беради. Тадқиқотчи компетентлик таълим нафрини таъсирда юзата қеладиган инсоннинг хусусияти сифатида унинг фаол хусусий ҳаётий фаолияти маҳсули қолганини назарда тутди [126]. У компетентлик индивидга хос қўсонит сифатида турли шаклларда намоён бўлишини, асли қўникманинг юқори даражаси сифатида; шахсининг ўзини ифода этиш услуби сифатида (одаглари, ҳаётий фаолият услуби, қоланшлар); индивид ўзини ўзи ривожлантиришининг қоланш; қобилиятларнинг намоён бўлиш шакли, деб қоланшган [117].

Б.В.Авво [10], А.И.Ахулкова [14], В.Д.Большов ва [11] Черемушкина [19], В.А.Адольф [11]лар компетент-лик билимларни мунтазам англашга интилиш, улардан конкрет нафрларда фойдаланиш, яъни оператив ва мобил билимларни қоланш; мошашувчанлик, танкидий тафаккур, нисбатан энг қоланш ва оптималларини танлаш, нотўғриларини инкор қилиш қоланш ва самарали қарорлар қабул қилиш мақсадида мунтазам қоланшнинг туришини назарда тутадиган нисбатан оператив ва қоланш билимларни назарда тутуши тўғрисида фикр юритганлар.

Бу эса, ўз навбатида, мутахассисларнинг узлуksиз ўз билимларини ошириб боришлари кераклигини исботлайди.

Юкорида кайд этилгани каби бошқа кўпгаб муаллифлар томонидан ҳам шахс фаолиятида, таълимда компетентлигининг мухим аҳамиятта эга эканлиги, педагогнинг касбий ривожланиши ўз фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қилиши лозимлиги сингари ҳозирги кунда бarchа мамлакатлар равнакида таълим ва тарбиянинг роли муҳимлиги кайд этилган. Мисол учун, Польшада ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш масала-ларига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу мамлакатда педагоглар касбий компетентлиги тарқиб доирасида турли вазиятларда ўзини муносиб тутиш, касбий ахлоқ оқибатлари ва унинг заруратини англаб етиш, шунингдек, ўзи амалга оширган хатти-ҳаракатлар учун масъулият, жавобгарликни хис қилишга катта эътибор қаратилган [130]. АҚШда эса, педагоглар фаолиятини касбий баҳолашга катта эътибор ва аҳамият қаратилган. Демак, бу мамлакатда педагоглар, тадбиркорлар, сиёсатчилардан иборат ўқитувчилар профессионализмни баҳолаш кенгаши яратилган. Мазкур кенгаш ўз фаолиятида турли анкеталар, сўровномалар, рейтинг баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш, портфолио методи, кузатиш ва бошқаларни самарали қўллаб келмоқда. Ушбу ҳаракатлар педагогларни аниқ мақсадга йўналтирилган касбий компетент-ликларини оширишга йўналтиради [135].

Ю.В.Вальновнинг таъкидлашича, Буюк Британия, Хитой, Корея ва бошқаларда ўқитувчилар касбий компетентлигини ошириш, ўқитиш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Бошқа мамлакатларда, масалан, Германия, Австрия, Канада каби давлатларда асосий йўналиш ўқитувчиларни ишга қабул қилиш жараёнида маълумоти ва малакасига бўлган талабларнинг кун сайн ошиб бориши билан характерланади. Аксарият ривожланган давлатларда педагогларнинг узлуksиз таълимга катта эътибор қаратилган ва уларга юкори талаблар қўйилган [128].

Замонавий илмий педагогик адабиётларда талабаларнинг аутопедагогик компетентлигини шакллантириш муаммоси О.М.Шиян томонидан батафсил қўриб чиқилган [113, 114]. Замонавий олимларнинг тадқиқотларида В.Н.Введенский [129], В.А.Сластенин [93,94], Т.В.Зобнина [46], Е.П.Кузнецова [56] ва

бошқаларнинг ишларида “ўқитувчининг касбий маҳорати” тушуниши қўриб чиқилган. Т.А.Михайловская [69], А.В.Морозов [72], В.И.Завязинский [139], В.А.Кан-Калик [141,142]лар бўлажак мутахассислар тайёрлаш ва педагогик ижодкорликка оид долзарб масалаларни, М.Ю.Прокофьева [148], Е.В.Прозорова [97], Е.А.Сидюнская [104], И.Э.Ярмакеев [117] ларнинг илмий таълиму тарбия бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашни такомиллаштиришга бағишланган.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятта мустақил, ижодий, шунинг тайёрлаш муаммоси ҳар доим педагогика ва психология соҳасидати тадқиқот ишларининг диққат марказида бўлган. Таълим соҳасидати сифат ўзгаришлари ва юкори самарадорлик ўқирнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогнинг келгуси меҳнат фаолиятларида ўзлаштирган компетент-ликлари кай даражада амалиётта таъбиқ қилинаётганига оидлик.

Бўлажак ўқитувчи фаолиятининг асосий хусусияти мактаб ўқувчиси шахсини шакллантиришни амалга ошириш, апроф-фессини илмий билишнинг, миллий хунармандчилик малакаларини шакллантириш ва талабаларнинг турли ижтимоий муносабатларга иштироки билан боғлиқлиги ҳисобланади. Мазкур яхлит тарбияни тизимли таъкил этишда марказий ўринни ўқитувчи таълим-тарбия мазмунини таълувчиси, талаба билиш фаолияти-нинг, шахсининг ҳар томонлама ривожланиши ва шаклланиши таъминловчиси ҳисобланади.

“Аутопедагогик компетентлик” тушунчаси шаклланган инновацион фаолият жараёнида технология фани ўқитувчиси таълимининг ёш ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ечиши ва синфда инновациялар хусусиятини инфоделовчи мазмунни инфодалайди [66]. Мазкур тушунчани қуйи-дан белгилар бўйича тасниф қилиш унинг қўлқамровли масалаларини ўзида тўла акс эттиради:

- мазмун ва инфодаланиш шакли ҳамда фаолият турлари бўйича педагогик, бошқарув;
- киритилган ўзгаришлар хусусиятига кўра: реликал, янги, модификацион;
- киритилган ўзгаришлар микёси бўйича: локал, модулли, глобал;

- фойдаланиш микёси бўйича: бир марталик, кўп тарқалган;
- юзага келиш манбаи бўйича: ташқи, ички.

Л.В.Занков инновацияларнинг асосий хусусиятлари сифатида шахннинг юқори умумий ривожланишига, шахннинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши (мазмунни уйғунлаштириш) учун асослар яратишга йўналтирилган юқори мақсадли ва қадриятли шароитларни асрабди. Шунингдек, педагогика назариясида илгари сурилган концептуал қоидалар ичида алоҳида хусусият сифатида қуйидагилар ажратилди:

- 1) назарий билимларнинг етакчи роли;
- 2) қийинчиликнинг юқори даражасида ўқитиш;
- 3) материални ўрганишда юқори суръатда илгариллаш;
- 4) боғанинг ўқитиш жараёнини аниқлаш;
- 5) барча боғаларнинг (қучли ва қучсиз) ривожланишларини қўзғатиш;

Аўтопедагогик компетентлик педагогик фаолиятда ўқитувчининг вазияти, ўқитувчининг индивидуал фаолият методини ўрганиш, индивидуал педагогик фаолият хусусиятларини аниқлаш, ўқитувчининг инновацион фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш, хорижий педагогик фикрда инновацион жараёнлар таҳлили ва инновацион моделлар турларини ажратиб билан боғлиқ равишда кечади [58].

Инновацион фаолият рефлексия – шахннинг ўз изланувчилик-ижодий фаолиятини аниқлаш, креатив-кайта ўзгартириш фаолияти ва биргаликдаги ижодкорлик тузилишига эга. Шунингдек, педагогик меҳнатда ўқитувчининг индивидуаллаштириш жараёни қуйидаги турли ифодаларга эга бўлиши мумкин:

касбий хулқ ва фаолиятда ўхшамасликнинг қисман ёки эпизодик намоён бўлиши сифатида индивидуал фарқлар;

касбий фаолиятда узок вақт давомида барқарор сақланидиган индивидуал метод, касбий фаолият усуллари ва вазифаларини индивидуал умумлаштириш;

ўқитувчи шахннинг касбий фаолиятида бетақдорлиги, ўзига ҳослигининг ифодаланиши сифатида индивидуаллик, индивидуал касбий дунёқараш, кўпинча шахннинг меҳнатидати касбий турининг индивидуал варианты [103].

Аўтопедагогик компетентлик ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги билан боғлиқ. Ижодий индивидуалликнинг асоси

қилиб самарали ўз-ўзини аниқлаш ҳисобланиб, у қуйидагиларни назарда тутди:

ўзининг бошқаларга нисбатан шахсий бетақдорлигини билан;

ўзи тўғрисидаги креатив тафаккур ва тасаввурларнинг намоён бўлиши;

индивидуал креатив хусусиятлар яхлитлиги ва уйғунлиги-нинг ички бирлиги;

шахс ўз-ўзини ривожлантириш, унинг ижодкор сифатида шаклланиш жараёни динамикилиги ва узлуксизлиги;

шахннинг ўз-ўзини таъкиллаш ва ўзининг компетентлигини билан;

ижодкорнинг ўз-ўзини амалга ошириши ва ўзининг компетентлигини шахсий ва ижтимоий аспектларда аниқлаш [120; 145].

О.М.Шивнининг таърифида кўра, “аўтопедагогик компетент-лик” тушунчаси ўқитувчининг ўз-ўзини тақомиллаштириш ва ривожлантириш, мактаб томонидан унга қўйилдиган барча талаблар мақмуни баҳара олиш қобилияти, педагогик таълимнинг аниқлаш ва педагогик фаолиятга нисбатан қиёратли муносабатда бўлиши аниқлади. Олим, аўтопедагогик компетентликини ўз-ўзини педагогик маҳоратли шахсга муайян натижа олашувчи, касбий жиҳатдан муҳим шахс сифатлари ва касбий компетентлиги асосида онгли тақомиллаштиришда муҳим нақилда эга эканлигини таъкидлайди [113].

Йўлжак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентликини шакллантиришда дастлабки илмий тушунчани таъбақалардаги намуна ҳиссий образлар захираси билан боғлаш зарур. Ўқитувчи фаолиятидаги ўзига ҳос хусусият у шакллантириладиган тушунчага ҳиссий билимларни қиритишга рацонал равишда қўшилган хиссий образлар йитиндисини топиши керак: шахннинг илмий манзарасини тасаввур этиш орқали илмий аўтоқарашни ривожлантириш лозим.

Йилишнинг ҳар бир босқичида, айниқса, фикрнинг бир босқичдан бошқасига ўтишида образлилик ва мантикийликнинг, образлилик ва маъхумликнинг ўзига ҳос боғлиқлиги юзага келади ва бу таъкил этиш алоҳида методларини ва ҳиссий таърибани ҳамда ўзи ўрганиладиган ўқув материалга қиритишни талаб қилади.

Аmmo билимининг барча боскичларида образли, аниқ фикрлашнинг умумий хусусиятлари мавжуд. Чунки хиссий билимлар, шакли ва мазмунини ўзгартириб, ўзининг мохиятини сақлаб қолади. Бунда ҳаётий таъаввурлар, фикрлар фаоллиги, мулоҳазалар мустақиллиги сезиларли даражада ошади.

Технологик таълим йўналиши талабаларини ўқитишнинг муҳим тамойили ўқув дастурига интератив ёндашув билан қарор топади. Технологик таълим ўқитувчисининг касбий фаолияти, таълим олувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш функцияси ва уларнинг мустақил ишларини ташкил этиши билан кенгайтирилади. Педагогик олий таълим муассасаси ўқитувчиси талабаларни шахсий тажрибалари оламининг бойлигини хис қилишларига йўналтириши лозим, шунингдек, уларга кўмаклашиши, шахсий саволларини бериши ва уларга жавоб излашга ёрдамлашиши, болалар оламининг мураккаблигини хис этиши ва тушунишини ривожлантирувчи масалаларни кўйиши керак [112].

О.А.Булавенко ўқитувчилар касбий компетентлигида касбий кўникмаларни шакллантиришда талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантиришлари натижасида эришилаётган уч муҳим босқични ажратиб кўрсатади [21]. Тадқиқотчи талабанинг ўз-ўзини ривожлантириши тушунчасини шахснинг ўз хусусий сифатларини онгли равишда ривожлантиришга қаратилган мақсадли таъсир жараёни, қобилиятларини фоллаштириш, янги билим, кўникма ва малакаларини ишга тушириши сифатида тушуниши мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда, биринчи босқич кўникмаларни еталаш шароитида касбий ривожланишнинг таъминлидир. Иккинчи босқич таълим жараёнида кўникмаларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлашда касбий ўз-ўзини ривожлантиришнинг содир бўлиши билан характерланади. Учинчи босқич иқтисодий талабалар шароитида касбий ўз-ўзини ривожлантиришнинг таъминлидир. Тўртинчи босқич эса тегишли талабаларга амал қилиш шароитида касбий ўз-ўзини ривожлантиришнинг таъминлидир.

Компетентлик муаммоси таянч, шахсий ва касбий шакл ва мавноларда маҳаллий олимлар томонидан кенг қўлдамда ўрганиб келинмоқда. Хусусан, ўзбек олимларидан А.Х.Махмудов бўлажак магистрларни тайёрлашнинг дидактик компетентлик таъминотини таъминлаштириш [67], К.Д.Рискулова бўлажак инглиз тили

ўқитувчилари социолитивистик компетентлигини шакллантиришнинг [102], С.С.Бабаджанов педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш [16], Ф.Т.Раёбимова бўлажак ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантириш [99], А.Ғ.Эминов бўлажак ўқитувчиларнинг компьютер графикаси компетентлигини ривожлантириш методикаси [116], О.А.Кўйсенов компетентли ёндашув усулида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари [121], О.Ғ.Давлатов талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарғибий-маданий мерос воситасида ривожлантириш [35], К.С.Рихимова тиббиёт коллежи талабаларида касбий компетентлиги шакллантириш масаласини илмий тадқиқотлар [100].

Педагог - бу юқори маданият ва маънавийлиги шахс ва технология таълими бўйича мутахассис сифатида ўз касби ва фанини, тегишли соҳага оид фан ва техникани ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини, умумий ва касбий педагогика ҳамда руҳанозлик, умумий таълим ва тарбия ишларининг услубий қисмларини замон талабалари даражасида билиши зарур [50,54]. Аҳолилар тахлиги касбий компетентлик ва унинг турлари бўлиб кўплаб илмий изланишлар олиб борилаётгани, лекин педагогик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб етарлича даражада илмий ишлар олиб борилмаганлигини кўрсатади. Олиб боришган педагогик илмий тадқиқот ишлари натижасида педагогик ОТМларида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентлик бутунлиги талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Тадқиқот доирасида олиб боришган тахлил ва ўрганишлар натижасида педагогик таълим ўқитувчиларини тайёрлашдаги мавжуд эндилик ва муаммоларни аниқлаш имконини берди. Улар қуйидагилар:

• инновацион таълим муҳитида ишлашга тайёр бўлган мутахассис учун жамиятнинг аниқ эҳтиёжи, ОТМда касбий таъбирларни шароитида шахсий ва касбий ўсиш учун ва ўз-ўзини таъминлаштириш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш учун бақалавр таъбирларининг таъминлидир назарий ва услубий асосларнинг таъминлиги;

- педагогик OTM инновацион мухитининг потенциал имкониятлари ва ресурслари билан уларнинг педагогик амалиётларида бақадарларни тайёрлашда қўлланиш даражасининг паслиги;

- ўқитувчи шахсига бўлган талабларнинг ўсиб бориши билан ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини шакллантириш жараёнини ташкил этишнинг илмий ва илмий-методик қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада ривожланмаганлиги.

Юқорида қайд этилган муаммолар педагогик OTMнинг инновацион мухити шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг аутопедагогик компетентлигини шакллантиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат муҳим педагогик муаммони ҳал этиш заруриятини белгилайди.

1.3.8. Бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик

компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари

Педагогик фаолиятга тайёрлаш бўйича замонавий тадқиқот ишлари касбий фаолиятнинг мотивацион-кадриллиги, когнитив, операцион соҳаларнинг алоқадорлигини инобатга олувчи шахсий фаолиятли ёндашув асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Хорижий тадқиқотлар таҳлили мазкур ёндашув тўғри эканлигини тасдиқлайди. Хусусан, В.А.Сластенин педагогик фаолиятга касбий тайёргарликни функционал равишда қуйидаги туррхларга ажратган [93,94]:

- 1) психологик тайёрлик, яъни педагогик фаолиятга шаклланган (турли даражада) йўналганлик, мактабда ишлаш;
- 2) илмий-назарий тайёргарлик, яъни компетент педагогик фаолият учун талаб этиладиган иктимой-сиёсий, психологик, педагогик ва иктимой билимларнинг зарурий даражада мавжудлиги;
- 3) амалий тайёргарлик, яъни талаб этилган даражада шаклланган касбий кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги;
